


АСОСИЙ ТУРДАГИ ИЖТИМОЙ ТОВАРЛАР НАРХЛАРИ БЎЙИЧА ҲАФТАЛИК ДАЙЖЕСТ

Марказий банк таҳлилий дайжести | 2026 йил 16 сентябрь


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ

ЖАҲОН НАРХЛАРИ


СЎНГИ ҲАФТАГА НИСБАТАН ЎЗГАРИШИ



ЙИЛ БОШИГА НИСБАТАН ЎЗГАРИШИ



2026 ЙИЛ ЯКУНИГА ПРОГНОЗ (ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШИ)



САВДО ҲАМКОР ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭКСПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ

Давлат	Чеклов тури	Муддат
Қозоғистон	Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти	2026 йил 21 ноябргача
Қирғизистон	Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти	Муддатсиз
Россия	Ёнилғи (бензин, дизель) экспорти	2027 йил 31 январгача
Қозоғистон	Майда шохли қорамол экспорти	2026 йил 31 ноябргача
Қирғизистон	Йирик/майда шохли чорва экспорти	Муддатсиз
Россия	Кунгабоқар ёғи - сузувчи бож тизими	2028 йил 1 августгача

ҲАФТАЛИК НАРХ

▲ НАРХ ОШДИ

▼ НАРХ ПАСАЙДИ

Биржа савдо якунлари бўйича

Нархлар ўзгариши	Ҳафталик Йил бошидан Йиллик	Ҳафталик Йил бошидан Йиллик
Суюлтирилган газ	+21,2% -6,3% +12,6%	Пахта чигити шулхаси -24,3% +27,1% +16,9%
Техник олтингугурт	+6,0% +28,0% +235,9%	Шрот -22,1% -3,6% +19,9%
Этиль спирти	+5,8% +6,6% +10,7%	Пахта толаси -5,0% +8,9% +0,8%
АИ-92 бензин	+1,9% +7,5% +7,0%	Ун 1-нав -3,5% +8,2% +19,5%
Полиэтилен	+1,0% +19,2% +8,3%	Бугдой 3-синф -1,9% +8,3% +23,8%

Марказий банкнинг ҳудудлардаги нарх кузатуви

Картошка	+6,7% -17,4% -11,3%	Лимон	-8,8% +13,4% +3,3%
Бодринг	+5,4% -68,5% +62,2%	Олма	-5,4% -21,2% +5,2%
Помидор	+2,6% -54,1% +55,4%	Банан	-1,9% -20,9% -17,7%
Пиёз	+2,6% +13,0% -5,1%	Балиқ	-1,0% +5,7% -2,4%
Тухум	+2,0% +2,2% +5,7%	Шакар	-0,2% +5,8% -8,4%

Марказий банкнинг улғуржи нархлар — "Food City" бозори кузатуви

Пиёз	+10,5% +20,0% +10,5%	Карам	-15,6% +8,6% -5,0%
Тухум	+7,7% +7,7% +7,7%	Олма	-11,8% -37,5% -30,2%
Картошка	+6,7% -21,0% +6,7%	Лимон	-11,7% -12,7% +41,2%
Сабзи	+3,8% +79,2% -8,6%	Бодринг	-1,2% +22,9% -7,8%
Товуқ гўшти	1,3% -6,0% -2,5%	Гуруч	0% +22,9% -7,8%

Улғуржи нархлар ўзгариши таҳлили

- Пиёз — Қозоғистонга экспорт ҳажми ошгани ҳамда деҳқонлар томонидан захирашнинг бошланиши
- Картошка — эски ва янги ҳосилга ўтиш даврида захираларнинг қисқариши ҳамда ташиш харажатларининг ошиши
- Карам — Тошкент вилоятидан карамнинг янги ҳосили кириб келиши
- Олма — маҳаллий "Голден" ва "Крепсон" навлари янги ҳосилининг савдога чиқиши таклиф ҳажмини оширган

ҲАФТАЛИК АНГИЛИКЛАР

4 сентябрь **Россиядан Ўзбекистонга бензин етказиб бериш 13 баробарга қисқарди**
Август ойида етказиб бериш 11,4 млн литрни ташкил этди - бу йил бошидан энг юқори кўрсаткич қайд этилган февраль ойидаги 153,3 млн литрдан 13 баравар кам. Бунга Россия нефтни қайта ишлаш заводларидаги тўхташлар ва таъмирлаш ишлари сабаб бўлган.

15 сентябрь **Қозоғистонда фермерлар бугдойдан кунгабоқарга ўтмоқда**
Бугдой бўйича даромаднинг пасайиши фонида Қозоғистон фермерлари мойили экинларга, хусусан кунгабоқарга кўпроқ эътибор қаратмоқда — айрим хўжаликларда кунгабоқар бугдойга нисбатан тўрт баробар юқори даромад берган.

15 сентябрь **Нефть нархи 107 доллардан ошди**
Brent типидagi нефть нархи кунлик 1,7 фоизга кўтарилиб, баррели учун 107,4 долларга етди. Бунга Саудия Арабистонининг дрон ҳужумларидан сўнг Қизил денгиздаги Янбу портига нефть етказиб берувчи «Шарқ-Ғарб» қувурини тўхтатгани сабаб бўлди.

5 сентябрь **Панама канали кунлик кема транзитини 18 фоизга қисқартирмоқда**
Октябрь ойидан канал орқали кунига ўртача 29,5 та кема транзитига рухсат берилиши режалаштирилмоқда. Бу август ойидаги 36 та кемадан 18 фоизга кам. Канал орқали жаҳон денгиз савдосининг қарийб 5 фоизи ўтиши инobatта олинса, транзит ҳажмининг қисқариши ташиш харажатларини ошириши мумкин.

УМУМЛАШТИРИЛГАН ХУЛОСА

ТАШҚИ БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ

- Сўнги ҳафтада жаҳон бозоридa нефть нархи сезиларли, бензин, шакар ва мол гўшти нархлари бироз ўсган бўлса, бугдой ва кунгабоқар ёғи нархлари пасайди.

ИЧКИ БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ

- Биржада суюлтирилган газ, техник олтингугурт, этиль спирти, бензин ва полиэтилен нархлари ошган бўлса, пахта чигити шулхаси, шрот, пахта толаси, ун ва бугдой нархлари пасайди.
- Ҳудудларда картошка, бодринг, помидор, пиёз ва тухум нархларида ўсиш, лимон, олма, банан, балиқ ва шакар нархларида эса пасайиш кузатилди.
- Жорий ҳафтада улғуржи бозорда пиёз, тухум, картошка, сабзи ва товуқ гўшти нархлари ошди. Карам, олма, лимон ва бодринг нархларида пасайиш кузатилди. Гуруч нархи ўзгармади.

⚠️ ХАТАРЛАР ВА КУТИЛМАЛАР

- Россиядан бензин етказиб беришнинг қисқариши ҳамда ҳамкор давлатларда ёнилғи экспортига қўйилган чекловларнинг сақланиб қолиши ички бозорда таклиф ҳажмини камайтириб, ёнилғи маҳсулотлари нархларига оширувчи босимни юзага келтириши кутилмоқда.
- Жаҳон логистикасидаги узилишлар ва жаҳон бозоридa нефть нархларининг кўтарилиши ташиш харажатларини ҳам ошириб, импорт қилинадиган товарлар нархига оширувчи босимни кучайтириши мумкин.
- Қозоғистонда бугдой экинидан кунгабоқарга ўтилиши кейинги мавсумда бугдой экин майдонлари ва ҳосилининг қисқаришига олиб келиб, минтақа бозоридa бугдой ҳамда ун нархларига оширувчи таъсир кўрсатиши мумкин.